Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XДП
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 14-yanvar. Payshanba • 6 (32.065) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз авваламбор чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

**Иккинчидан,** Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

**Учинчидан,** қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

**Тўртинчидан,** дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

**Бешинчидан,** ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турар жой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни, мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, авваламбор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини — Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги — 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга — оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

**«Туркистон» саройида 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армиямизни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

► *Давоми 3-бетда.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Пягай Илья Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Мелибаев Жахонгир Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бурхонов Ахмад Жамолович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Мирзарахимов Яминжон Тоирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахунов Виталий Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи чегара район бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Икромов Абдувохид Рискитиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Сон Михаил Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Султанов Наил Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

► *Давоми 2-бетда.*

# Муқаддас бурч

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар, турли учрашувлар ўтказмоқда.**

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Миллий армия — тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқони» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари, ҳарбий қисм командирлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.**

► *Давоми 3-бетда.*

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

# Мукофотлар муборак бўлсин!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуғаниев Фарход Рахманбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи взвод командири

**Абдуллаев Улугбек Мухиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бозорбоев Уктамжон Зокиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Исмодиёров Вохид Нортожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мажидов Жамшид Махмадалиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Махмудов Абдурахмон Акрамжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нишанов Дилшод Абдирахимович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Олимов Фарходжон Абдупатохович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод фельдшери

**Рахимов Акмал Ибодуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахмонов Камолиддин Нормуминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сеитмурадов Феруз Джоракулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Турдиев Салим Хайдарович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Умаров Алишер Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Хамрокулов Октам Рахмонкулович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Шарипов Одилжон Умирзокович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Шералиев Икром Акбарович** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Акрамов Дилшод Давлаталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Аллаберганов Зафар Зариббаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Ахмаджон Жалолдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Байкулов Абдурашид Ахмедович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Бекжонов Анваржон Фозилжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бобаназаров Сирожиддин Хаитмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бутакараев Марат Махсетович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Даулетов Даурхан Даулетназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Ёқубов Аброржон Расулжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ирматов Шухрат Муратович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Йулдошев Ибрат Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қурбонов Вахоб Ҳайитқулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Махмудов Баходур Талибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маърупов Маҳмуджон Турсунбоевич** — Андижон шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Мурашкин Андрей Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Норкобилов Исломиддин Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Рахманов Анвар Камбаралиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

**Рахматов Ойбек Куралбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахматуллаев Умид Анваржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси хизмати катта штурмани

**Рахмонов Акмалжон Миродилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Рўзметов Акбар Эркинбайевич** — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Рўзметов Хамид Садуллаевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Собиров Хушнид Хуршидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Таджиев Олим Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдиев Жуманазар Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

**Турниёзов Азизбек Фарходович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умиров Бекзот Хакимович** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Ураимов Музаффар Зухриддинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Урунов Фарходжон Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хаджиев Дилшод Дамирович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

**Хамзаев Шерали Сохибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Мадамин Менгбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Ходжаев Назим Ихсонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шамурадов Жахонгир Халмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шукуров Бекзод Хазраткулович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Эшанкулов Ғайрат Мелиевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Юлдашев Уктам Мухаммадшарипович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Юсупов Куанишбай Якупбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Астанов Шерзод Бабамурадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Базаров Самандар Сафоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи

**Байходжаев Алерходжа Аскархожаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Бердиев Шухрат Рахманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Беристанов Азамат Кошербаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Гуломов Жохонгир Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исаков Бахтиер Сидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Кайюмов Абдумалик Абдуманапович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Бобир Багадирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси бошлиғи

**Қоҳҳоров Шохбос Гайрат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Кулмурадов Ризамат Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Курбонов Акмал Мустафақулович** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Кўчкаров Махаммаджон Иброхимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Мадумаров Яхежан Миралимжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бош муҳандиси

**Мажидов Абдурасул Абдухаликович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Маллаев Сардорбек Сидиғалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи назоратчиси

**Маматов Хамидулла Эгамкулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Махкамов Мухтор Махамадумарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Муйдинов Тургунбой Абдихалилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухтаров Фарход Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Надимов Владимир Борисович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Никишин Геннадий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика маркази бошлиғи

**Норпулатов Фархот Холмаматович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди гуруҳи командири

**Раббимов Абдувасиб Сайидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Раджабов Анваржон Муҳаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Рахимов Камолиддин Комилович** — Навоий ҳарбий суди раиси

**Рахимов Улугбек Одилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими катта офицери

**Рахманкулов Данияр Тугамбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлинма бошлиғи

**Рахмонов Давлатёр Бегижонович** — Қарши ҳарбий прокурори

**Саидов Ихтиер Мизрабович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Сапарбаев Эгамберган Раимберганович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сатторов Илхомжон Шухрат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сейтбалиев Рустем Эмиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Степанов Алексей Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Темиров Мамиржон Иминович** — Термиз ҳарбий прокурори

**Трофимов Виталий Дмитриевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усманов Шавкат Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хайитов Мухаммадали Мирзарахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм секцияси командири

**Халилов Равшан Абдуфаттахович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Хусанов Лазиз Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Шаджалилов Азиз Бахтиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди командири

**Шокиров Абдурахмонжон Абдувалижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрназаров Хуршид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Юнусов Зохид Мамарахимович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Бойназаров Ихтиер Бахтиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта йўриқчиси

**Ғаниев Жахонгир Сотиболдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джалалов Абдумаъруф Абдукаримович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг катта мураббийси

**Джумаев Рустам Латипович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи катта техниги

**Жуманиязов Баҳромбек Қадамбайевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Икромов Зайниддин Бахриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Йўлдошев Равшан Маратович** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Кадиров Шерзод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Кимсанов Зиевидин Шохобидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Кудратов Нурали Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Мадаминов Хайрулло Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Мирзалиев Хуршудбек Сохибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Мўминов Азамат Тўймуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Пармонов Жахонгир Шодиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи бошлиғи

**Разиков Шаҳбоз Умарович** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси чегара пости контрабандага қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

**Саттаров Ильхом Акбарович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қарши автомобиль мактаби устаси

**Саъдуллаев Шухрат Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаси бош илмий ходими

**Сиддиков Алешер Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси катта ўқитувчиси

**Сормонкулов Адхамжон Райимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Сотволдиев Шерзод Ёқибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суробов Низомжон Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

**Тажибаев Дильмуродбек Гафуржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Темиров Зафар Нуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турғунов Жамшид Хусан ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Жонибек Турсунбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Урумбаев Абдурасул Эрикович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Хазраткулов Зокир Рахманович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техниги

**Хакимов Сухроб Зохирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Хушназаров Бобоназар Шахриерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Шарипов Эрали Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуразоков Акмалжон Туйчибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Асқаров Қидирбай Караматдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди қутқарувчиси

**Бобоназаров Акмал Косимович** — Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 12 январь*

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Дунёда шарафли вазифалар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси киндик қонинг тўкилган Ватанингни ҳимоя қилишдир.

# МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармони бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар пойдевори бўлди. Кейинчалик Президентимиз фармонига мувофиқ, Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 14 январда мамлакатимиз парламентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эгадир. Шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан 14 январь Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди. Мазкур тарихий ҳужжатга асосан Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг долзарб масалалардан бири — кадрлар масаласи эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти баланд, аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур ҳарбий кадрлар тайёрлашга киришилди.

Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида замонавий билим ва мутахассисликларга эга етук ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йили Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган ҳарбий-тиббиёт факультети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу факультет Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий-тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш борасидаги асосий таълим муассасаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, булар Сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, малака ошириш факультетлари, Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясидир. Бу ўқув масканлари ҳарбий хизматчиларга профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба ва малакасини ошириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъномазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда **«Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!»** шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимиз юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон эканини намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганимдан фахрланаман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири, «Мардлик» ордени соҳиби, капитан Улуғбек Абдуллаев. — Биз, ҳарбийлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Бу бизга катта куч ва маънавий мадад беради.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Тадбирда «Жасорат» медали соҳиби, майор Исломиддин Норқобилов, «Мардлик» ордени соҳиби, кичик сержант Фарҳоджон Олимов, аскар онаси Малика Бекенова, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Равшан Эрматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, шоира Энахон Сиддиқова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

***Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

# Муқаддас бурч

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар, турли учрашувлар ўтказмоқда.**

**Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган islоҳотлар хусусида сўз борди. Ҳарбий хизматчиларнинг юрт тинчлигини асраш йўлида кўрсатаётган жасорати эътироф этилди.**

Дунёда шарафли вазифалар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси киндик қонинг тўкилган Ватанингни ҳимоя қилишдир. Зеро, Ватан — бу инсонга ато этилган энг улуғ неъмат, ота-боболаримиздан мерос замин, улуғ аждодларимизнинг излари қолган табаррук тупроқдир. Ана шу муқаддас заминни қўриқлаётган Ватан ҳимоячиларининг зиммасида эса катта масъулият бор.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, юқори даражадаги жанговар қобилият ва салоҳиятга эга миллий армия барпо этилди, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар берилди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова.** — Бугун халқимиз Ватанимиз сарҳадлари ишончли қўлларда эканини яхши билади. Дунёда турли қарама-қаршиликлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви авж олаётган ҳозирги қалтис шароитда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз талаб этилмоқда. Ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш ҳаммамизнинг фуқаролик ва фарзандлик бурчимиздир.

Йиғилишда сўз олганлар мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлиги ҳақида фикр билдирилди.

— Болалигида ҳарбий бўлишни орзу қилмаган ўғлон бўлмаса керак. Мен ҳам тенгдошларим қатори Ватан ҳимоячиси бўлишни жуда хоҳлаганман, — дейди **Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Музаффар Эрназаров.** — Шукрки, ниятимга эришдим. Бир пайтлар ҳарбийликни орзу қилган, бироқ кейинчалик бошқа касбларни эгаллаган дўстларим бугун менга ҳавас билан қарашади. Шу ерга ўқишга кирганимда онам қанчалик қувонганини сўз билан ифодалаб беролмайман. Ана шундай ҳислар касбимга бўлган меҳримни янада оширади.

Тадбирда ватанимиз мудофаа қудратини ошириш, соҳага оид ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан давом этди.

**Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

## ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

# 9944 бошланғич ташкилот

## Бу йил уларнинг олдида янада масъулиятли вазифалар турибди

**Сиёсий партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ғояларини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, ташаббус ва амалий ишларини одамларга етказишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, қайси сиёсий партия жамият ҳаётида муҳим ўринга, нуфузга эга бўлишни истаса, энг аввало, бошланғич ташкилотлар фаолиятига жиддий эътибор беради.**

Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида бошланғич ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси мустаҳкамланаётгани, уларнинг фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон ХДП тизимидаги 9944 бошланғич ташкилотнинг таъсир кучини ошириш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни партия ташкилотларига, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига етказишда фаоллигини кучайтириш долзарб масала ҳисобланади.

Партия Сайловолди дастурида кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, эл-юрт вакилларини қўллаб-қувватлаш ишлари самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар имкониятидан тўлиқ фойдаланиш масаласи алоҳида қайд этилган.

Соғлом она ва бола йилида партиямиз ташкилотлари ва депутатлари олдида муҳим вазифалар турибди. Чунки, Сайловолди дастурида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ўрин олган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда эса айниқса бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда бошланғич партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамкорлигида электорат вакиллари манфаатлари билан боғлиқ масалаларда депутатлик ва жамоатчилик назорати изчил йўлга қўйилмоқда.

— Ижтимоий масалаларни ўз вақтида самарали ҳал этишда жойлардаги ҳолатни тизимли мониторинг қилиш, бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш муҳим вазифадир, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Дониёр Каримов.** — Бу кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари ишининг тизимли ташкил этилганига ҳамда етакчиларнинг салоҳияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шу боис қуйи бўғин фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Марказий ҳамда минтақавий кенгашларда бошланғич ташкилотлар билан ишлайдиган сектор ташкил этилгани фикримизнинг яққол тасдиғидир. Мазкур сектор бошланғич ташкилотлар фаолиятини тизимли ташкил этиш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги иштирокини янада кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Масалан, бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида 2015 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари давомида барча минтақавий, туман ва шаҳар кенгашларида бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида семинарлар ўтказилди. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад қуйи ташкилотлар фаоллигини янада ошириш бўйича таклифлар олиш, бу йўналишдаги муаммоларни аниқлаб, уларга ечим топиш, намунали бошланғич ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш, шулар асосида тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш, қолаверса, БПТ етакчиларини рағбатлантириш механизмларини жорий этишдан иборатдир.

**Партия Сайловолди дастурида кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, эл-юрт вакилларини қўллаб-қувватлаш ишлари самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар имкониятидан тўлиқ фойдаланиш масаласи алоҳида қайд этилган.**

Жорий йилда олдимизда бу йўналишда жуда муҳим вазифалар турибди. Чунки партия аъзолари сафи кенгайишида бошланғич ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, қуйи бўғин етакчилари ўртасида турли танловлар, ўқув семинарлари ташкил этишни режалаштирганмиз.

— Бошланғич ташкилот партия ғоялари, мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этувчи етакчи куч ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Озода Эгамназарова.** — Шу жиҳатдан жойларда ўтказилган семинарлар бошланғич ташкилотларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, бу борадаги янги тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадбирлардан сўнг вилоятимиздаги барча бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида жонланиш кузатилмоқда. Қуйи бўғин фаолияти мунтазам равишда мониторинг қилиняпти, ютуқ ва камчиликлар етакчилар билан муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олиняпти.

2016 йилда вилоят ташкилоти томонидан айнан қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилган. Унга асосан ҳар бир бошланғич ташкилотга кириб бориш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, аъзоларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чоралар кўрилади.

— Бошланғич ташкилотимизда 55 нафар аъзо бирлашган, — дейди **Янгиер шаҳри «Обод юрт» маҳалласидаги ҳудудий бошланғич ташкилот етакчиси Насриддин Нажмиддинов.** — Улар билан ҳар ҳафта йиғилишиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мавзуларда машғулотлар ўтказамиз. Бугун дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, ҳафта давомида бўлиб ўтган муҳим воқеаларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Электорат мурожаатлари бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларга таклифлар берамиз. Партиямиз Сайловолди дастури ижросида бошланғич ташкилотимизнинг, аъзоларнинг ўрни қандай бўлиши кераклиги тўғрисида фикр алмашамиз. Қувонарлиси, маҳалламизда партиямизга аъзо бўлиш истагидаги ёшлар сони кўпайиб бормоқда.

Жорий йилдан бошлаб ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор берамиз. Улар билан семинарлар ўтказиб, партиямиз дастурий мақсадларини тушунтириш, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари билан доимий равишда таништириб боришни йўлга қўймоқчимиз.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, партия тизимида амалга оширилган ҳар бир ташаббус, ҳаётга татбиқ этилган янгилик партиямиз ғоялари тарғиботи, Сайловолди дастури ижроси ва албатта, электорат манфаатларига хизмат қилиши лозим. Шу маънода, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янги босқичга кўтариш партиямизнинг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши, ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар кўпайиши, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллиги ошишига хизмат қилади.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИЙ ҒОЯЛАРИНИ АҲОЛИ ОРАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЎТГАН ЙИЛДА МИНТАҚАВИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 1534 ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. УЛАРДА 114000 ГА ЯҚИН ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ҚАМРАБ ОЛИНДИ.

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

■ Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «С» гуруҳида Жанубий Корея, Ироқ ҳамда Яман футболчилари билан куч синашмоқда.

## ЯНГИЛИКЛАР

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда фонд расмий сайти хабар беради.**

### Ҳарбий хизматчилар оила аъзолари фонд эътиборида

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда 11 январь куни Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида, 12 январь куни Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» номли маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан ўтган йили ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидан 13191 нафари тиббий кўрикдан ўтказилган.

### Оролбўйи табиий бойликларини муҳофаза қилиш кластерлари яратилади

**11 январь куни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бу ҳақда қўмита расмий сайти хабар бермоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокатининг оқибатларини енгиллаштириш борасида комплекс дастур қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда Оролбўйи ҳудудида янги қўриқхоналар, боғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, яқин истиқболда Оролбўйи табиий бойликларини муҳофаза қилиш бўйича табиат кластерларини яратиш режалаштирилмоқда.

### 300 янги иш ўрни ташкил этилди

**Қўқон шаҳрида уч қаватли замонавий савдо мажмуаси иш бошлади.**

«Фарғона ҳақиқати» газетасининг сайтида ёзилишича, унда гўзаллик салони, озиқ-овқат, маиший техника жиҳозлари ҳамда болалар ва катталар кийим-кечаклари билан савдо қилувчи 68 дўкон жойлашган.

Шунингдек, бу ерда ташкил этилган «Болалар майдончаси» нафақат вилоятда, балки водийда ҳам ягонадир.

Мажмуадаги 140 ўринли кинотеатр, ошхона, ресторан ташриф буюрувчилар хизматида.

Мазкур савдо мажмуасининг ишга тушиши натижасида 300 янги иш ўрни яратилди.

**ЎзМУ талабаси Гулруҳ НЕЪМАТОВА тайёрлади.**

# Учта йўлланмага ўн олти даъвогар

## 12 январь куни Доҳа (Қатар)да футбол бўйича ёшлар (U-23) ўртасида Осиё чемпионати финал босқичи бошланди



Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

**Қитъамизда илк маротаба ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада нафақат ғолиб ва совриндорлар номи, балки шу йил Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари соҳиблари ҳам аниқланади. Осиё футбол конфедерацияси қарорига кўра, унда ўн олти терма жамоа ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи учта йўлланма учун баҳс юритади.**

Қуръага кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси **«С» гуруҳида Жанубий Корея, Ироқ ҳамда Яман** футболчилари билан куч синашмоқда.

Мусобақанинг қолган гуруҳлари эса қуйидагича кўриниш олган:

**«А» гуруҳи:** Сурия, Эрон, Қатар, Хитой

**«В» гуруҳи:** Япония, КХДР, Саудия Арабистони, Таиланд

**«D» гуруҳи:** Иордания, БАА, Австралия, Вьетнам.

Осиё чемпионати финал босқичи учрашувлари 12 январь куни «А» гуруҳининг Сурия — Эрон (0:2), Қатар — Хитой (3:1) терма жамоалари баҳси билан бошланди.

Самвел Бабаян бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси илк учрашувни кеча **Жанубий Корея** вакилларига қарши ўтказди — 1:2. Гуруҳдаги иккинчи баҳсда **Ироқ — Яман** жуфтлиги ўзаро куч синашди — 2:0.

Вакилларимиз навбатдаги турда ироқликлар билан баҳс юритса, иккинчи жуфтликда Яман — Жанубий Корея терма жамоалари учрашади. Бу ўйинлар **16 январда** ўтказилади. Ушбу «квартет»нинг охирги тур баҳслари **19 январда Ироқ — Жанубий Корея, Ўзбекистон — Яман** футболчилари ўртасида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркиби билан танишинг:

**Дарвозабонлар** — Абдумавлон Абдужалилов («Нефтчи»), Жавоҳир Илёсов («Машъал»), Асилбек Омонов («Қўқон-1912»);

**Ҳимоячилар** — Сардор Раҳмонов, Достон Турсунов («Нефтчи»), Абдуллоҳ Олимов, Муҳсинжон Убайдуллаев, Владимир Козак, Жамшид Болтабоев («Пахтакор»), Максимильян Фомин («Бухоро»), Жавлон Мирабдуллаев («Металлург»), Акромжон Комилов («Бунёдкор»);

**Ярим ҳимоячилар** — Жавоҳир Соҳибов, Жалолиддин Машарипов, Жамшид Искандеров («Пахтакор»), Отабек Шукуров, Достонбек Ҳамдамов («Бунёдкор»), Темур Ҳакимов («Оқтепа»), Икромжон Алибоев («Локомотив»), Ҳусниддин Ғофуров («Явор», Сербия);

**Ҳужумчилар** — Игорь Сергеев («Пахтакор»), Элдор Шомуродов («Бунёдкор»), Жасур Ҳакимов («Сўғдиёна»).

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар «плей-офф» босқичига йўлланмани қўлга киритади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ФАХР

**Болалигимдан ҳарбийликни орзу қилардим. Мактабда, ахборот технологиялари коллежида ўтказилган маънавият соатларида ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида қаҳрамонлик кўрсатган, юрт тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган ҳарбийлар ҳақидаги фильмларни кўриб, қарорим янада қатъийлашган эди. Ҳарбий бўлиш учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёрлигимни ҳис этдим. Синовлардан муваффақиятли ўтгач, мақсадимга эришдим. Айни вақтда Сурхондарё вилоятидаги «Н» қисмда йигитлик бурчимни адо этаяпман.**

### Ватанимга хизмат қиламан



Командиримиз подполковник Дилшод Эргашев биз аскарларга ватанни ҳимоя қилиш шарафли иш эканлигини ҳар доим уқтиради. Ҳарбий қисмимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Сержант ва офицерлар ҳарбий соҳа сир-асрорларини бизга ўргатишмоқда.

Бу ерда спорт билан жиддий шуғулланяпман. Бўш вақтимда бадиий асарлар ўқийман, дунёдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб бораман. Яқинда Президентимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номли китобини ўқиб чиқдим. Ундаги тинчлик қадри ва масъулияти ҳақидаги фикрларни бирга хизмат қилаётган дўстларимга ҳам айтиб бердим.

Мен Ватан ҳимоячилари куни билан командиримни, хизматдошларимни чин қалбимдан табриклайман. Ота-онам ва ўқитувчиларимга алангали аскарлик саломимни йўллайман.

**Муслимбек БОТИРОВ,**
**оддий аскар.**

## ОНАЛАР ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА

# Меҳрли кўзлар

**Инсон умрининг қачон, қандай якун топиши фақат Яратганга маълум. Яқинларимизни йўқотганимизда, бошимизга мусибат тушганида таскин излай бошлаймиз. Бу таскинни биз хотира аталмиш туйғудан топамиз. Хотира бизни дунёдан ўтиб кетганлар ёди билан яшашга ўргатади. Уларнинг яхши ишлари, амаллари ҳақида гапиришга, ёзишга ундайди. Бир сўз билан айтганда, хотира — сабоқ, хотира — сабр-тоқат, хотира — эзгу ишлар давоми, умр сарҳисобига ўхшайди.**



Машҳур файласуф Сенеканинг «Инсон ҳақида хотира қанча яшаса, у ҳам шунча яшайди», деган ҳикмати эса кўнгилни ёриштиради.

Мана, ўн тўрт йилдирки, қизим Феруза ҳақидаги хотиралар билан яшайман. Бирор-бир кун йўққи, у ҳақида эсламасам, гапирмасам... Мен, отаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғлар ва дўстлари Феруза билан боғлиқ воқеаларни эслаб, айтиб адо қилолмаймиз. Қизим қаерда бўлмасин, боғчадами, мактабдами, маҳалладами ёки яқин тенгқурлари орасидами, доимо алоҳида ажралиб турарди. У табиатан ўта меҳрибон эди. Яқинлари билан боғлиқ муаммо пайдо бўлса, биринчи бўлиб ёрдамга отланарди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Ўша пайт турмуш ўртоғим Москвада ўқишда эди. Бир куни Ферузахон акалари Акрамжон, Ғайратжон ва опаси Гулнорахон билан циркка бордик. Томошанинг биринчи қисми тугагандан сўнг эълон қилинган танаффусда биз Феруза ва Гулнорани йўқотиб қўйдик. Беш дақиқалар чамаси излаганимиздан сўнг уларни катта илон ёнида расмга тушаётганини кўриб, жуда қўрқиб кетдим. У довюрак қиз эди. Қўрқув нималигини билмасди.

1994 йилда Германияда яшаб турган пайтимизда Ферузани немис мактабига бердик. У икки ой ичида немис тилида бемалол гаплашадиган ва ўқийдиган бўлди. Бир куни янги йил байрами муносабати билан мактабда ўтказилган тадбирда Феруза немис тилида узундан-узун шеърни ёддан айтди. Шунда унинг ўқитувчиси Зайдел хоним бизга миннатдорлик билдириб, Ферузанинг қобилиятига юқори баҳо берган эди. Ўша пайтда отаси ва мен бу эътирофдан жуда қувонганмиз.

1996-1997 йилларда Исроилда Ферузанинг юраги икки марта операция қилинди. Ўша таҳликали лаҳзаларда отаси билан мен кўзимизга ёш олдик. Феруза эса бизга таскин бериб, операция хонасига кириб кетди. У ана шундай иродали қиз эди. Операциядан сўнг Қуддус шаҳрига сафар қилдик. Бу қадимий шаҳардаги муқаддас қадамжоларни зиёрат этдик. «Йиғи девори» тирқишида тилакларимиз ёзилган мактубларни қолдирдик. Айтишларига қараганда, улар албатта ижобат бўлар экан. Лекин ўшандан буён мен ва отаси Феруза қандай ният қилгани ҳақида жуда кўп ўйлаймиз. Эҳтимол, биз ота-онаси, акалари ва опасига соғлик-омонлик тилагандир... Унинг суратига қачон тикилмай, шу ҳақда ўйлайман, унинг кўзлари меҳр билан тикилиб турганини ҳис этаман.

**Гуласал НЕЪМАТОВА**


## РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:




Телефоны:(0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.


## ЭЪЛОН

**Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!**

«UZVTORMET» МЧЖ

2012-2013-2014-2015 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш бўйича 1 ой ичида мурожаат қилишингизни сўрайди.

Мурожаат учун манзил: 100154, Тошкент шаҳри, Жанубий саноат даҳаси. Тел: (0371) 257-29-74

## ОБ-ҲАВО 14-15.01 — 2016

Юртимиз бўйлаб (°С)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -2 / +3 | +6 / +11 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / +5 | +10 / +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | 0 / +5 | +8 / +13 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +2/ +7 | +10 / +15 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | 0 / +5 | +7 / +12 |
| Тошкент шаҳри | 0 / +2 | +9 / +11 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Ulug‘bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari)
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17392 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.40
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6